

Андижон: АЗМУ ШИЖОАТ, ЯНГИЛИККА ИНТИЛИШ ВА ТАДБИРКОРЛИК НАМУНАСИ



(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

— Истиклолимизнинг йигирманчи йили баҳорида шаҳримизга узок-яқиндан меҳмонларни қолаб, Ўзбекистон кўчасининг очилиш маросимини ўтказдик, — дейди хурматли нурунийлардан бири, профессор Сайфиддин Жалилов. — Бу тадбиримизни “Ободлик кўнглидан бошланади” деб атадик. Ҳақиқатан, шундай. Тинч, оёқсиз та ҳаёт кечираётган, бугундан мамнун, эртанги кунига, истиқболга ишончи бор, кўнгли хотиржам одамнинггина қуришга, яратишга, бунёдкорликка мойиллиги бўлади. Бу хайрли ишларимизнинг ҳаммаси муҳтарам Президентимизнинг оқилона сиёсати, тинчлик-тотувлигимиз самараси, дедим, айни ҳалқимиз дилидаги гапни айтган бўламан.

Мана, барчани ҳайрону лол қолдириб, не-не шоири замоналарга илҳом бахш этган ўша Ўзбекистон кўчаси! Кенг, раво, атрофи турфа гулларга бурканган, мўъжаз хиббону фавворалар, замонавий ёриткичлар борлиққа ўзгача фусун, жозиба бахш этиб турган кўча. Йўлнинг ҳар икки ёқасида меъморий ечимни ўзига хос, бири-бирини такрорламайдиган бинолар. Улар гўзалликда ўзаро бўйлашаётгандек, гўё. Биноларнинг биринчи қаватида савдо, маданий-маиший, сервис хизмати кўрсатувчи шохобчалар ва меҳмонхоналар жойлашган. Иккинчи қаватида ҳам шундай манзара. Тепада — учинчи қаватда эса шу мулк эгалари ўз оилалари билан истиқомат қиладилар. — Шу бинимиз ўрнида тор-тақил ҳовлимизду дўппидеккина дўкончамиз бўларди, — дейди ўзини Бекзодбек Ҳакимов дея та-

ништирган йигит. — Кўчамизнинг янги лойиҳаси тузилган, “Ҳамкорбанк”дан 50 миллион сўмлик кредит олиб, йиққан-терганларимизни қўшиб, ушбу уч қаватли бинони қурдик. Қўриб турганилардек, биринчи қавати супермаркет, иккинчи қаватида тикувчилик цехи очганмиз. Учинчи қаватда эса ўзимиз шайимиз. Шу бино тўғрисида оила аъзоларимиз, ака-укаларимизнинг ҳаммаси ишли бўлди. Шундай имконият ва шарт-шароитни яратиб берган Президентимизга мингдан-миг раҳмат! Ўзбекистон кўчаси билан Бобур шохкўчаси кешиган чорраха бошидаги кўп қаватли бино ўз меъморий ечимини, ноёблиги жиҳатидан

га разм соларканмиз, Андижон мамлакатимизнинг энг обод, нурафшон шаҳрига айлиниб бораётганига амин бўлдик. Шаҳарда ҳамон бунёдкорлик ишлари давом этапти. 14 та марказий кўчадаги 1200 дан зиёд эски бинолар бузилиб, ўрнида худди Ўзбекистон кўчасидаги каби икки-уч қаватли замонавий бино-иншоотлар тикланапти. Истиклол, Амир Темур, Миллий тикланиш, Бобур шохкўчаларида, айниқса, қурилиш, бунёдкорлик ишлари авжида. 250 га яқин жамоага бирлашган қурувчилар, меъмор муҳандисларнинг кўли-қўлига теғмайди. Айни пайтда 79 километр узунликдаги кўчаларда барча коммуникация тармоқлари ер остига олина-

ган ҳосилни йиғиштириб олиш, кузги галла экиш ишлари қизғин. Саноат корхоналарида ҳам меҳнат мароми бир зум сусайгани йўқ. Гапимизнинг исботи сифатида мана бу рақамларга бир эътибор беринг: вилоятда 2000 йилда ялпи худудий маҳсулот ҳажми 260,5 миллиард сўмни ташкил этган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 3 триллион 680 миллиард сўмга етди. Утган йили саноат корхоналари 29 миллион АҚШ доллари маҳсулотни экспортга чиқариб, бу борадаги прогноз кўрсаткичини 118 фоиз бажаришди. Худудий дастура асосан, 35 миллион сўмлик, шу жумладан, 20 миллион АҚШ доллари миқдоридан инвестиция

ти ишлаб чиқариш технологияси бўлимининг бош технологи, Ўзбекистон Қаҳрамони Ҳасанбой Қосимов билан учрашдик. — Президентимизнинг андижонликлар меҳнатига берган юксак баҳосидан беҳад хурсанд бўлдик, — дейди Ҳасанбой ака. — Айниқса, Асака шаҳримиз, унинг истиқболи ҳақидаги фикрлари кўнглимизни тоғдек кўтарди. Гап шундаки, Президентимизнинг йўл-йўриқлари асосида автомобилсозлар шахри бўлган Асагани ҳам худди Андижон каби энг гўзал, замонавий шаҳарга айлантириш чора-тадбирлари қуриллапти. Қурилиш ва ободонлаштириш ишлари аллақачон бошлаб юборилган.

Корхонамизда эса автомобиллар ишлаб чиқариш ва уни экспорт қилиш ҳажми йил сайин ошмоқда. Бугун заводимиз конвейердан чиқаётган “Captiva”, “Erika”, “Tasuma”, “Lacetti”, “Damas”, “Matiz” сингари автомобилларимиз эса жаҳон бозорига Ўзбекистон номини оламга ёймоқда. Андижонликларга, улар амалга ошираётган бунёдкорлик ишларига, яратувчанлик меҳнатига, азму-шижоатига ҳаммамнинг ҳаваси келаётганини боиси шунда.

Табий савол турғилади: хўш, андижонликлар бундай меҳнат муваффақиятларига қандай қилиб эришмоқдалар? Бу саволга Юртбошимизнинг қуйидаги сўзлари жавоб бўла олади: “Андижондаги муваффақиятларнинг сабаб ва омиллари ҳўқ, лекин шахсан мен бунинг сирини, аввало, шу элнинг ҳеч кимга ўшашмайдиган аломат фазилатларида, яъни “анжанча” феълү атворида, деб биламан. Андижон халқи ўзининг азму-шижоати, ангилликка интилиши, тадбиркорлиги билан нафақат мамлакатимизда, балки чет эллик ҳамкорларимиз ўртасида ҳам обрў-эътибор қозонмоқда”.

Бундай юксак ишонч-эътибордан руҳланган андижонликлар шаҳар ва қишлоқларини янада обод, турмушларини бугунгидан-да фаровон этши йўлида бир тану бир жон бўлиб, бир гайратларига ўн гайрат қўшиб меҳнат қилмоқдалар.

Али ЗИЁЛОВ,
Одилжон ШОДМАНЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбирлари.

Шомурот ШАРАПОВ («Халқ сўзи»),
Хурсандбек АРАББОВЕВ (ЎЗА)
олган суратлар.



«Нукус» аэропорти: ЗАМОНАВИЙ ТАЛАБЛАРГА МОС СЕРВИС ХИЗМАТИ

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

3000 метрлик майдони асфальт-бетон билан қопланди. Шунингдек, перрон ва авиатранспорт воситалари кўнадиган жойлар тўлиқ таъмирдан чиқарилди. Таъкидлаш жоизки, “Аэроўлоийҳа” ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган мазкур бунёдкорлик лойиҳасини амалга оширишда “Ўзавтойўл” ДАКнинг Шимоли-ғарбий филиали меҳнатқашлари катта ҳисса қўшдилар.

Шундай қилиб, “Нукус” аэропортида барча русумдаги йўловчи ва юк самолётларини қабул қилиш, авиақатновлар сонини кўпайтириш, йўловчиларга ҳавфсиз ҳамда юқори даражада сервис хизмати кўрсатиш имконияти яратилди. Бу эса қорақалпоқ дерида иқтисодиётнинг турли тармоқлари, жумладан, транспорт-коммуникация, логистика, саноат

ҳамда туризм салоҳиятини янада ривожлантириш, хорижлик сармоядорлар ҳамда сайёҳлар учун қўлайликларни кўпайтиришда ўз самараларини бериши, шубҳасиз. — Бу воқеани катта қувонч билан қутиб олдик, — дейди Нукусдаги “2-сонли хаво йўли” маҳалла фуқаролари йиғини раиси Райҳон Жамакова. — Ахир Ўзбекистонимизнинг барча худудларида бўлгани каби шаҳримиз ҳам йилдан-йилга чирой оғиб бораётганидан қувонмай бўладими? Яқиндагина қуриб битказилган ва йўлақлари яққираб турган аэропорти-миз ҳам шаҳримизга узукка кўз қўйгандек ярашиб тушди. Буларнинг бари оёқсизлигимиз, Президентимизнинг оқилона сиёсати шарофатидандир.

Саиджон МАХСУМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Сирдарё томонларда

Буюртмачилар мамнун

Вилоят марказидаги “Гулистон барака уни Садаф” масъулияти чекланган жамиятида қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга мўлжалланган, қиймати 510 миллион сўмлик янги лойиҳа амалга оширилди.

Ҳозир бу ерда кунига 40 та бетон плита, 20 та пойдевор блок, 50 та ирригация лотоги, 60 та бетон сиймоғоч тайёрланади, буюртмачиларга етказиб берилмоқда. Таъкидлаш керакки, 50 кишининг бандлиги таъминланган мазкур корхонада йилига 6 миллиард сўмлик маҳсулот тайёрлаш имконияти юзгага келди.

Фаолият кенгайди, салмоқ ортди

Сирдарё туманилик тадбиркор Олимжон Бойтўраев ўзи раҳбарлик қилаётган “Қамаристон нон” корхонаси фаолиятини кенгайтирди.

Банкдан олинган 332 миллион сўмлик кредит эвазига бу ерда нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган илғор технологиялар ўрнатилди. Пировардида корхонада кунига уч мингта нон ҳамда 200 килограммдан ортиқ макарон маҳсулотлари тайёрлаш имконияти яратилди.

Шуниси эътиборлики, жорий йилнинг ўтган даврида туманда тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига 11 миллиард 689 миллион сўмликдан зиёд кредитлар ажратилди.

Ш. ХОЛМУРОВОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Қисқа сатрларда

- Тўрақўрган туманидаги Бекобод маҳалласидан оқиб ўтган Косонсой сойи устига ҳашар йўли билан кўприк қурилди. Маҳаллий тадбиркорларнинг 50 миллион сўмлик маблағи эвазига амалга оширилган ушбу эзгу иш тўғрисида аҳолининг ўзоғи яқин бўлди.
- Янгиер шаҳридаги “Нуралӣзода” масъулияти чекланган жамияти жамоаси ташаббуси билан 9,5 гектарлик майдонда суний кўл барпо этилиб, балқич чағови етиштириш йўлига қўйилди. Ушбу лойиҳани амалга ошириш учун 125 миллион сўм сарфланди.
- Бешкент шаҳрида Қарши тумани марказий фуқаролик далолатномаларини ёзиш бўлими ва давлат нотариал идорасининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Икки қаватли ушбу муҳташ бинони бунёд этиш учун 370,8 миллион сўм йўналтирилди.
- Узун туманидаги “Норбоев Бахтиёр” хусусий корхонаси қошида банкдан ажратилган 30 миллион сўмлик кредит ҳисобига эшик ва дераза ромлари тайёрлайдиган цех иш бошлади. 7 нафар дуррадор жалб этилган корхонада ойига 15 миллион сўмликкача маҳсулот ишлаб чиқаришмоқда.
- Тошлоқ туманининг Ахшак қишлоғидаги намунавий лойиҳалар асосида барпо этилган 23 та тураржойда уй тўқариш ишланган. “Тошлоққурилиштаъмир” корхонаси бунёдкорлари томонидан қурилган ушбу хонадорлар барча коммуникация тармоқларига уланган.

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Чарм-атторлик саноати юртимиз иқтисодиётининг истиқболли соҳаларидан бири эканлиги бугун барчамизга аён. Чунки мазкур саноат учун зарур бўлган асосий хом ашё — тери маҳсулотини ўзимизда истаганча етиштириш ва уни қайта ишлаш имконияти мавжуд. Кейинги йилларда “Ўзбекчармпойабзали” уюшмаси тизимидagi корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, қўшимча ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар эса бу имконият даражасини янада оширмоқда.

ИСТИҚБОЛЛИ ҲАМКОРЛИККА МУСТАҲҚАМ ПОЙДЕВОР

Ҳозирги кунда уюшма таркибидagi корхоналарда суний ва табий чармдан тайёрланаётган маҳсулотлар сифати ва ташқи дизайни бўйича турдошлари билан бемалол рақобатлашади. — Шу боис маҳсулотларимизга бўлган талаб жуда юқори, — дейди уюшманинг савдо ва ишлаб чиқариш бошқармаси етакчи мутахассиси Шўҳрат Алиев. — Утган йилги ярмаркада бизнинг стенд ташкилотчилар томонидан “Кооперация алоқаларини кенгайтириш-

га қаратилган тизимли фаолияти, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини саноат кооперациясига фаол жалб этгани учун” номинациясида ижобий баҳоланиб, яқунда 10 миллиард сўмликдан зиёд шартнома тузишга эришганимиз бунга мисол бўла олади. Жорий йилнинг тўққиз ойи давомида ушбу шартномаларга биноан, 6,2 миллиард сўмлик маҳсулотларни буюртмачиларга етказиб бердик. Шу билан бирга,

панеллари, “Андижон Саноат Ривож” масъулияти чекланган жамиятининг пойабзал қолиплари, “Фаргона чарм полимер” масъулияти чекланган жамиятининг линолеум ва пол тўшамалари, “Кентаврус” қўшма корхонасининг нам ўтказмайдиган чарм маҳсулотлари шулар жумласидандир. Мухтасар қилиб айтганда, V Халқаро Саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси республикамизнинг барча ишлаб чиқарувчиларига ўз салоҳиятини намойиш этиши ва янги ҳамкорлар топишида ўзига хос кўприк вазиёсини ўтайди.

Дилшод УЛУҒМУРОВОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ҚИШЛОҚДАГИ САНОАТ КОРХОНАЛАРИ

Истеъмолчилар эҳтиёжларини тўла қондиришга интилишмоқда

Истеъмол бозорини маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдиришда мавжуд қувватлардан унумли фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Ишлаб чиқариш ҳажмининг ошириш, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар тайёрлашни ўзлаштиришда эса Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги “Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг кенгайтириш ва ички бозорини тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори дастуриламал бўлмоқда.

Таъкидлаш жоизки, Юртбошимизнинг мазкур қарори ижросини таъминлаш бо-

расида Фаргона вилоятида ҳам муайян натижага эришилаётир. Утган йили худуддаги қайта ишлаш корхоналари томонидан эл дастур-хонига 851 тонна гўшт маҳсулотлари етказиб берилгани, жорий йилда эса ишлаб чиқилган манзилли дастурга асосан, 18 та гўшт ва суний қайта ишлашга ихтисослаштирилган корхона бунёд этиш кўзда тутилгани шундан далолат беради.

Замон талаблари асосида барпо қилинадиган ушбу объектларга 3 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфланади. Эътиборлиси, жалб

Кувасой, Данғара, Учкўприк туманларида ана шундай корхоналарнинг бир нечтаси ишга туширилдики, бу, биринчи навбатда, қишлоқларда истиқомат қилаётган аҳолининг гўшт ва суний маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш баробарида, юзлаб ёшларнинг бандлигини таъминлашда ҳам кўл келди. Эндиликда мазкур корхоналарда тайёрланаётган сифатли ва замонавий қадоқланган маҳсулотлар қишлоқ оилалари дастурхонига тортиқ қилинмоқда.

Қисқача айтганда, вилоятда истеъмол бозорининг муҳим тармоғи — озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришига янги назар, янгича руҳ билан эътибор қаратилаётгани амалда ўз самарасини бермоқда.

Набижон СОБИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган йигирмадан зиёд шундай корхона фаолият кўрсатмоқда. Уларда меҳнат қилаётганлар сони эса уч минг нафардан ошиб кетди.

Х. ЭШОНҚУЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ни йўлга қўйди. Қиймати 100 миллион сўмлик ушбу лойиҳа амалга оширилиши билан ўнга яқин киши иш билан таъминланди. Айни пайтда туманда қурилиш

21 октябрь — «Давлат тили ҳақида»ги Қонун қабул қилинган кун

Ўзбек тили — жозибадор ва нафис тил. Она тилимизга давлат мақоми берилганидан сўнг унинг нуфузи ортиб, юксалиб бормоқда. Ўзбек тили миллий ва давлат тили сифатида давлатимизнинг герби, мадҳияси ва байроғи каби муқаддасдир.

Ўзаги, қолганлари — қўшимчалар). Қизиғи шундаки, сузга қўшилган ҳар бир қўшимча алоҳида маънони ифодалайди: зор — жой маъносини, — и — эгаликни, — миз — кўплик сонни, — да — ўринни, — ги — худудни,

амалий ўрганишга кенг эътибор берилмаётгани ва унинг мавқеи яна ҳам юксалиб бораётганидан далолатдир. Ҳозирги даврда ўзбек тили АКШдаги Вашингтон (Сизлт шаҳрида), Индиана, Колумбия ва Висконсин университетлари,

рилгани, халқро муносабатларда ишлатилмаётган тиллар қаторига киритилиши кейинги йилларнинг бу борадаги улкан ютуғидир".

Кези келганда шуни алоҳида қайд этиш керакки, ҳали давлат тилини кенг илмий ва амалий ўрганиш борасида кўпгина вазибаларнинг бажариш зарур бўлади. Ўзбек тилининг адабий талаффузи, грамматикаси ва турли матнлари ёзилган аудио ҳамда телевизион дисклар, ўқув фильмлари ва кўлланимларини кўпроқ нашр этиш, улардан олий ва ўрта махсус ўқув масканларида фойдаланиш зарур.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, ҳуқуқий демократик давлат қуриш устувор вазифа этиб белгиланди. Табиийки, бундай жамиятда барча миллат ва элат вакиллари тили, ирки, динидан қатъи назар, бирдек ҳурмат билан муносабатда бўлиниши шарт. Шу маънода, юртимизда яшаётган бошқа миллат вакиллари тиллари камситилмай, зарур бўлса, улардан ҳам давлат ва жамоат ташкилотларида фойдаланиш мумкинлиги Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили ҳақида"ги Қонунда кўрсатиб қўйилган.

Президентимиз Ислам Каримовнинг "Юксак маънавият — энгилмас куч" асаридан бунга алоҳида ургу берилиб, она-тилимининг тақдир, қарийб бир асрлик қарамликдан сўнг ўзининг қонуний мақоми ва нуфузига эга бўлгани, унинг мустақил давлатимизнинг байроғи, герби ва мадҳияси қаторида турадиган муқаддас тимсолардан бирига айлангани таъкидланган. Шу билан бир қаторда, Юртовшимиз ўзбек тилининг истиқбол билан боғлиқ муаммолар илмий-назарий жиҳатдан ўрганилиши зарурлигини таъкидлаган ҳолда, бугунги кунда она-тилимиз давлат воситасига айланиб бораётгани, ҳорижий мамлакатлар делегациялари билан бўлаётган учрашув ва суҳбатлар, музокаралар, нуфузли саммитлар ҳамда расмий матбуот анжуманларида ўзбек тили қўлланилаётгани халқимизга чексиз ифтихор бағишлаётганини эътироф этадилар.

ОНА ТИЛИМИЗНИНГ ОЛИЙ МАҚОМИ

Она тилимиз бошқа кўпгина тилларга нисбатан, хусусан, қардош туркий тиллар ичида анча содда таркибга эга тилдир.

Ўзбек тилида олти унли фонема бўлса, бошқа туркий тилларда унли фонемалар салкам йигирматага етади. Бундай олти унлига эга бўлган тиллар жуда кам бўлиб, улар қаторида индонез ва румин тиллари ҳам бор. Ундош фонемалар сонига кўра, ўзбек тили яна ҳам нодир ҳисобланади. Чўки ўзбек тилида 23 та ундош фонеманинг ҳар бири алоҳида (р, б, т, д, к, г) ҳолатда бўлиб, дейлик, аб-хаз тилидаги 14 та (к) фонемаси борлигига ўхшаш таркибга эга эмас.

Жаҳон тилларининг типологик белгисига кўра, ўзбек тили агглютинатив тиллар сирасига кирида. Бундай тилларда сўз ўзагига эти-тагача қўшимча қўшилиши мумкин. Масалан, шафтоли — зор — лар — и — миз — да — ги — дек (шафтоли сўз

— дек — ўхшатишни англа-тади. Бундай агглютинатив тиллар қаторига туркий ва Африкадаги банту тиллари кирида, холос.

Шунинг учун ҳам турли тилларнинг нодир хусусиятлари ҳақида гап кетганда, тилшунослар аксарият ҳолларда, ўзбек тилидан мисол келтирадидилар. Хусусан, АКШлик буюк тилшунос Ж. Гринберг, машҳур поляк тилшуноси Т. Милевский, таниқли чех олими Ю. Крамский ва бошқаларнинг асарларида ўзбек тилининг фонетика ҳамда грамматикаси ҳақида қизиқарли фикрлар мавжуд. Масалан, профессор Ю. Крамский ўзбек тилининг Тошкент шевасида қаратқич келишиги — нинг ва тушум келишиги — ни фарқланмай қолиш ҳолати — ни қўшимчаси "фойдасига ҳал бўлишини" ёзади: Ахмадинг боғи — Ахмадин боғи киби.

Бугунги кунга келиб, жаҳондаги турли мамлакатларда ўзбек тилини илмий ва

тетларида, Голландия, Англия, Венгрия, ҳамда Польшада ҳамда бошқа мамлакатларда ўрганилаётди. Ўзбекистон жаҳондаги кўпгина давлатлардан фарқли ўларок, ўз миллий тилини расмий тил эмас, балки давлат тили мақоми билан, од-ли тушунча эмас, балки чуқур мазмунга эга бўлган давлат рамзидек муқаддас ғоя тарзида майдонга олиб чиқ-тилушуни Т. Милевский, таниқли чех олими Ю. Крамский ва бошқаларнинг асарларида ўзбек тилининг фонетика ҳамда грамматикаси ҳақида қизиқарли фикрлар мавжуд. Масалан, профессор Ю. Крамский ўзбек тилининг Тошкент шевасида қаратқич келишиги — нинг ва тушум келишиги — ни фарқланмай қолиш ҳолати — ни қўшимчаси "фойдасига ҳал бўлишини" ёзади: Ахмадинг боғи — Ахмадин боғи киби.

Ўзбек тили ҳам миллат, ҳам давлат тили сифатида юксак мақомга эга бўлиб, давлат ва жамоат ташкилотларида, халқ ҳўжалигининг барча соҳаларида, ўқув юр-тларида, халло халқро музокараларда, радио, телеви-денеида, матлий матбуотимизда эркин қўлланилаёт-гани халқимизга чексиз фахру ифтихор бағишлайди.

Абдуазузр АБДУАЗИЗОВ, филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби.

АҚРАБ — САРҲИСОБ ОЙИ

Табиат ошuftаларининг таъкидлашларича, йилнинг энг гўзал палласи куз фаслига, янаям аниқроғи, унинг сўнгги ойи — ақрабга тўғри келади. Ақраб кирганини дов-дарактларнинг барглари турфа тус олиб, шовуллаб тўкилаётганидан илгаш мумкин. Зеро, бу ойнинг илк белгиси ҳазонрезгидир.

"Ақраб" арабча сўз бўлиб, "чаён" деган маънони билдиради. Ҳижрий йил тақвимида кўра, саккизинчи ой ҳам шундай номланади. Чаённинг одати — ниш урмоқ экан, ушбу ойнинг иссиқ келишидан кўп ҳам умидвор бўлмаслик керак. "Мезон ўтди, ёмғирдан нам қолди, ақраб кирди, илиқ кунлар нам қолди" иборасида шунга ишора бор.



Ақраб келар ақриб, со-вуқларни қақриб", деб бежиз айтилмаган.

Узоқ мuddат кузатишларга қараганда, баъзи йилларда ақраб ўзининг ниҳоятда ёқимли ҳавоси билан тўлиқ йиғиштириб олинганга йўқ-да.

Яна айтишадикки, ақрабнинг раҳми келса — куз, қаҳри келса — киш. Бунинг маъноси шуки, унинг кўёшли кунлари ганимат. Харорат зумда ўзгариб, ёнгиччиликлар бўлиши, ёмғир қорға айланиши, киш-қировли кунларга улашиб кетиши мумкин.

Бунинг яхши билган мамлакатимиз деҳқон ва соҳибқорлари ақрабнинг инжиқликларига доимо чат беришади. Гап шундаки, бу ой кириши билан картошка, мева-сабзавот, полиз маҳсулотлари ва бошқа неъматлар йиғиштириб олинади. Кузги бугдой уруги майсалатиб олинади, ток, анжир ва анорни кўмиш пайидан бўлишади, бошқа дарактларга эса шакл беришади.

Бўғбонларнинг ушбу ойда бажарадиган муҳим тадбирларидан яна бири, бу — кузги кўчат ўтказиш. Сабаби, аини шу пайтда дов-дарактлар танасидаги обиҳаёт ҳаракати секинлашиб, қишки уйкуга кетиш арафасида турибди. Бу ниҳолларнинг тезда тутиб кетишида кўл келади.

Юртимиз деҳқонлари эса шу кунларда ерни шудгорлаш юмушларини жадаллаштирган. Улар мазкур муҳим ағротадбирни ой охирига қадар ақунлаб, заминга яқоб суви беришади. Ана шунда тўпроқ таркиби янада яхшиланиб, зарарли хашаротлар бутунлай йўқолади.

Эътибор қаратган бўлсангиз, шу кунларда қушларнинг шовқини жонланиб қолди. Чўнки дарактзорларга гўнқарғалар кела бошлади. Ҳадемай, уларнинг сафига қулранг ва қора қарға каби юртимизда кишловчи паррандалар ҳам келиб қўшилиди.

Қисқаса, ақраб барча учун сарҳисоб қилиш, остона қоқиб турган киш мавсумига тайёргарлик қўриш оғидир. Шу боис у кириши билан ҳаммининг ёдига беихтиёр мана бу халқ мақоли тушади: "Омборига қарасин, топганлари қишга ярасин". Илоҳим, шундай бўлсин!

Р. САИДОВ.

Бурж

барчани сийласа, айрим пайтларда авзойи бўзилиб, деҳқону бўғбонлари шошириб қўйди. Аҳир ҳали далау боғларда ҳосил тўлиқ йиғиштириб олинганга йўқ-да. Яна айтишадикки, ақрабнинг раҳми келса — куз, қаҳри келса — киш. Бунинг маъноси шуки, унинг кўёшли кунлари ганимат. Харорат зумда ўзгариб, ёнгиччиликлар бўлиши, ёмғир қорға айланиши, киш-қировли кунларга улашиб кетиши мумкин. Бунинг яхши билган мамлакатимиз деҳқон ва соҳибқорлари ақрабнинг инжиқликларига доимо чат беришади. Гап шундаки, бу ой кириши билан картошка, мева-сабзавот, полиз маҳсулотлари ва бошқа неъматлар йиғиштириб олинади. Кузги бугдой уруги майсалатиб олинади, ток, анжир ва анорни кўмиш пайидан бўлишади, бошқа дарактларга эса шакл беришади. Бўғбонларнинг ушбу ойда бажарадиган муҳим тадбирларидан яна бири, бу — кузги кўчат ўтказиш. Сабаби, аини шу пайтда дов-дарактлар танасидаги обиҳаёт ҳаракати секинлашиб, қишки уйкуга кетиш арафасида турибди. Бу ниҳолларнинг тезда тутиб кетишида кўл келади. Юртимиз деҳқонлари эса шу кунларда ерни шудгорлаш юмушларини жадаллаштирган. Улар мазкур муҳим ағротадбирни ой охирига қадар ақунлаб, заминга яқоб суви беришади. Ана шунда тўпроқ таркиби янада яхшиланиб, зарарли хашаротлар бутунлай йўқолади. Эътибор қаратган бўлсангиз, шу кунларда қушларнинг шовқини жонланиб қолди. Чўнки дарактзорларга гўнқарғалар кела бошлади. Ҳадемай, уларнинг сафига қулранг ва қора қарға каби юртимизда кишловчи паррандалар ҳам келиб қўшилиди. Қисқаса, ақраб барча учун сарҳисоб қилиш, остона қоқиб турган киш мавсумига тайёргарлик қўриш оғидир. Шу боис у кириши билан ҳаммининг ёдига беихтиёр мана бу халқ мақоли тушади: "Омборига қарасин, топганлари қишга ярасин". Илоҳим, шундай бўлсин!

Кўлдаги хазина

Когон туманидаги "Иброҳим Қосимий" хусусий ишлаб чиқариш корхонаси неғизда балиқ чавоклари етказиб берадиган инкубация цехи ҳамда биологик ҳовузлар барпо этилди.

Бунинг учун вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг маҳаллий жамғармаси ҳисобидан

ўттиз миллион сўм сарфланди. Бу ерда 1,5 миллион дона балиқ чавоғини етиштириб, балиқчилик

ҳўжаликларига тарқатиш имкони-яти мавжуд. Таъкидлаш жоизки, вилоятда балиқ етиштиришга мослашган сув хазвалари сатҳи 101 минг гектарни ташкил этади. Балиқчиликка ихти-

сослаштирилган масъулияти чекланган жамиятлар томонидан жорий йилда 400 тоннадан зиёд лўқмаи ҳалол етиштириш мўлжалланапти. И. ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Реклама ва эълонлар

Advertisement for Artel gas stoves. Features include: 'Нега бошқа плита эмас, айнан Artel?!', 'Газ плиталари', 'Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган', 'ECO ELEKTRON' SHK, 'www.artel.uz', and 'Маҳсулот сертификатланган'.

Advertisement for SORB-TEK pharmaceuticals. Features include: 'ООО «СОРБ-ТЕХ»', 'производство лекарственных препаратов для медицины и ветеринарии', 'Препарат «Бакстимс»', 'Противовоспалительное, ранозаживляющее, бактериостатическое и иммуностимулирующее средство.', 'г. Ташкент, ул. Галаба, 3а. Телефон (+998 97) 721-27-53. Тел./факс 248-15-03.'

Advertisement for RIELTOR EKSPRESS KONSALTING MCHJ. Features include: '«RIELTOR EKSPRESS KONSALTING» МЧЖ', 'бошланғич баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!', 'Аукцион савдосига суд ижрочиларининг Андижон шаҳар бўлими томонидан Жиноят ишлари бўйича Андижон шаҳар судининг 2010 йил 24 декабрдаги 1-1129-сонли ижро варақасига асосан хатланган, фуқаро Маъмуров Боҳодиржонга тегишли, Андижон вилояти, Андижон шаҳри, Саноят кўчаси, 280-уйда жойлашган 13478,15 кв.м. ер участкаси, қурилиш майдони 5616,1 кв.м. бўлган омборхона бино-иншоотлари қўйилмоқда.', 'Манзил: Андижон шаҳри, Навоий шохқўчаси, 30-уй. Мўлжал — Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси Андижон вилояти ҳудудий бошқармаси биноси, 1-қават. Телефонлар: (8-374) 990-00-82, 262-13-75. Лицензия RR-0026.'

Advertisement for TNK vehicles. Features include: '«ГАЗ» русумли АВТОМОБИЛЛАР ВА МАХСУС ТЕХНИКАЛАР', 'Тел.: 235 93 53', '111 35 24, 102 96 00', 'E-mail: transneft66@mail.ru', 'web: gazel-tnk.uz', 'Ҳама автотранспорт воситаларига КАФОЛАТ 2 йил ёки 80.000 км', 'Улғуржи ҳаридларга ЧЕГИРМАЛАР!', 'Буғурча асосида'.

Advertisement for Uzbekinvest. Features include: '«Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий сугурта компанияси жамоаси Қорақалпоғистон Республикаси филиали директори Маҳмуд Муятдиновга волидаи муҳтарамаси', 'Алжим ЗУЛХАНДЕРОВанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.', 'Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректорати ва Бирлашган қасаба уюшма қўмитаси Политология ва ҳуқуқ кафедраси доценти Олимжон Юлдашевга падари бузурқвори', 'Мадаминжон ЮЛДАШЕВнинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.'

